

ISSN 2181-7324

# ЎзМУ ХАБАРЛАРИ




№ 1/2 ◊ 2018

Ижтимоий-  
гуманитар  
файлар  
йўналини

Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук

Social-  
humanitarian  
sciences



ВЕСТНИК НУУЗ ◊ АСТА NUUz

## МУНДАРИЖА

## Тарих

Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиё неолит даври уруг жамоалари тарихининг моддий ашёларда акс этиши .....	5
Алимардонов О.К. Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида ҳалқ дипломатиясининг ривожланиши .....	9
Асланов А. Самарканд (Афросиёб) тарихий топографиясининг ўрганилиши тарихига доир.....	13
Бегимкулова Л. Ҳалил Султон ва Ҳудойод Ҳусайнин муносабатлари В.В. Бартольд талкинида .....	15
Джураева Г.М. Современные тенденции сотрудничества и кооперации стран Центрально Азиатского региона со странами АСЕАН.....	18
Ҷагоров З., Ахмедов Ж., Ҳидиров Ҳ. Шайбонийлар даври ҳарбий бошқаруви .....	23
Қадирова С.М., Шайзакова Н.С. Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимининг ривожланиш тарихи .....	26
Қурбонов Э.Э. Ўзбекинг туркман уруғи (Зомин туркманлари мисолида) .....	29
Исаебеков Б.И. Қовунчи маданияти этник гурухлари Чот科尔 ва Қурара тоғ чўккиларида .....	32
Исматуллаев Ф.О. Ўзбекистон-Германия маданий алокаларининг ривожланиши .....	35
Мажидов С. Ўзбекистоннинг Италия билан ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳадаги ҳамкорлиги .....	38
Мачин Г.В. Карательная система советской власти и её специфические особенности в 30-е годы XX века .40	
Мухамедов Ё.К. Чочнинг илк ўрта асрлар даври савдо-иктисодий алокалари .....	46
Остоинов О.А. Айнанавий хунармандлар тайёрлаш усулларидағи ўзгаришлар (XX асрнинг 20-30 йилларида Зарафшон воҳаси мисолида) .....	49
Очицдиев Ф.Б. XVIII асрнинг иккичи ярми-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро-Россия ўртасида олиб борилган савдо алокалари .....	52
Рашидов О.Р. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва давлат идораларини маҳаллийлаштиришдаги муаммолар .....	56
Сайфуллаев Д.Б. Ўзбекистон дипломатиясининг ташкилий-хукукий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши .....	60
Турсунов Н.Н. Сурхон воҳаси этнографияси ҳақида .....	64
Тұхтаева Р.Н. Совет қоқимиюти ўтказған пул ислоҳотларининг хориж адабиётларидаги таҳлили .....	67
Тұхтабоева Д.Ә. Кичик ва ўрта шаҳарлар коммунал таъминотидаги ўзгаришлар .....	70
Холикова Р.Ә. XIX асрда Бухоро амирлигидаги хунармандчиллик ва савдо алокалари .....	72
Хайитов Ж.Ш. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистанда бошокли (донли) экинларининг ҳосилдорлиги, нарх-навоси, ички савдоси .....	76
Чориева Д. Ўзбекистонда маданият, истироҳат боғларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан .....	81
Шадманова С.Б., Ахмедова Р.М. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистан курортлари: ахволи ва фаолияти .....	84
Юсупов И.С. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Хива ҳонлигига алоқа ҳизматининг ривожланиши тарихидан .....	87
Фалсафа	
Abdullahayev J.M. Gaibnazarova S.E. Yoshlarda diniy ma'rifatni yuksaltirish va mafkuraviy immunitetni shakllantirishning dolzarbli.....	90
Abdullahayev A. Tabiat, jamiyat va madaniyatning koevolyutsiyasi (Ijtimoiy-falsafiy tahlil) .....	93
Абдирахимова М. Инглиз тили дарсларида интерактив методлар асосида ёшларда ватанпарварлик ва фуқаролик тарбиясини шакллантириш .....	96
Абдухалилов А.А. Процессы внедрения параметров измерения эффективности государственного управления в условиях модернизации общества .....	98
Аминова М.М. Ҳозирги давр ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари .....	102
Арзиматова И.М., Қамбарова Р., Райимова С. Фуқаролик жамияти шароитида эстетик ва бадиий маданиятнинг ўрни .....	105
Асатуллоев И. Эрих Фромм фалсафасида инсон мавжудлигининг фалсафий-антропологик таҳлили .....	109
Асанова Ф. Шахс маданияти ва фаолияти үйгунилги .....	112
Атаева Т.К. Олий таълим тизимида талабаларга инглиз тили фанини ўқитишнинг замонавий асослари .....	115
Ахмедов Ж.О. Профессионально-педагогическая компетентность учителя физической культуры .....	118
Ғуломова Н.Ф. Спорт ташкилотлари фаолиятида стратегик режалаштиришни кўллаш: назарий асослар ва жараёнлар .....	121
Jumaqulov Z.P. Sportcha kurash turilarida umumiy va maxsus tayyorlariklarining shakllantirish usullari .....	124
Зулфихаров И.М. Олий таълим муассасаларда математика фанини ўқитишнинг замонавий педагогик тенденциялари .....	127
Ибрхимов Ф.А. Ахборот майдони ва инсоннинг бегоналашиши муаммоси .....	130
Имомов Б.Х. Ўзбекистон ва Туркия муносабатларида янгича стратегик ҳамкорлик масалалари .....	133
Инақов К.К. Таълим-тарбия сифатини бошқариша ҳамкорлик педагогикасининг аҳамияти .....	137
Исманова А.А. Нейролингвистик дастурлаштириш технологияси воситасида ёшларни диний экстремизм ва терроризм мағкурасидан педагогик коррекция килиш усуллари .....	140
Карамян М.Х. Социально-психологические детерминанты поведения, связанного со здоровьем .....	145
Карлыбаева Г.Е. Формирования умений и навыков в будущих учителей физики .....	150
Комилов Ф.О., Шерматова Ф.И. Ўзбекистонда ижтимоий химояга мухтоҷ болаларни кўллаб-куватлашда ягона тизимни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг долзарб масалалари .....	152

**XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА БОШОКЛИ (ДОНЛИ) ЭКИНЛАРНИНГ  
ХОСИЛДОРЛИГИ, НАРХ-НАВОСИ, ИЧКИ САВДОСИ**

Хайитов Ж.Ш.\*

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада XIX аср охири -XX аср бошларида Туркистан минтақасида етиштирилган бошокли (донли) экинларниң ҳосилдорлиги, нарх-навоси ички ва ташқи савдоси ҳақида манбалар асосида илмий мушоҳада юритилади. Минтақада бошокли экинлар нарх-навосининг муқобил бўлмаганилиги ҳамда уларниң нархи ички ва ташқи бозорда кўп жисъатдан ҳосилдорлик дараҷаси билан боғлиқ бўлганилиги масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** бугдой, арпа, сули, кунжут, зигир, мош, нарх-наво, донли экин, ҳосил, савдо-сотик, янги нав, лалми дехқончилик.

Россия империяси Туркистан үлкасини мустамлака асоратига туширгунига қадар бошокли, донли экинлар етиштириш уччала хонликда ҳам асосий ер фондларини эгаллаган эди. Минтақада сугорма ва лалмикор дехқончилик маданияти соҳасида катта тажриба ортирилган бўлиб, бугдой, арпа, гуруч, жўхори, тарик, мош, сули, зигир, кунжут, нўхат каби ўнлаб турдаги бошокли ва донли экинлар етиштириларди. Дехқончилик ишлари асосан анъанавий оддий меҳнат куроллари хисобланган: кетмон, белкурак (лапата), паншаха, ўрок, омоч, болта кабиларда бажарилган. Меҳнатнинг оғир ва машаккатли кўл меҳнати тури кенг таркалган бўлиб, ёш болалар ҳам долзарб пайтларда кишлок хўжалик ишларига жалб килинган. Ернинг маҳаллий ўғити хисобланган чорва гўнги (навоз-Ж.Х.) ва ўсимлик кул билан унумдорлигини таъминлашга эътибор берилган. Ёғоч омоч билан ер хайдалиб, баҳор ва кузда, яъни ҳар йили икки бор уруғ тупроқка кадалган.

Россия империяси мустамлака сиёсатида аҳолини Туркистанга кўчириш масаласи мухим ўрин эгаллаб, ўлкада рус посёлкалари ва кишлоклари вужудга келиши билан, кўчирилганлар оркали янги техника воситалари ҳам кириб кела бошлади. Рус посёлкаларидаги аҳоли сунъий сугориш маданиятидан мутлако хабарсиз бўлиб, гуруч ва пахта етиштиришни билмасди, колаверса, "рус мужиклари"нинг маънавий маданияти ҳам паст эди. Шу сабабли кўчкиниди аҳоли ўзларига ажратилган 8-10 десятина ерга донли экинлар экиншга, чорвачилик хўжалиги учун зарур бўлган ўсимликлар ўстириш билан шуғулланишга ҳаракат килишган. Ҳукumat ўлкага жойлаштирилган рус дехқонларидан 2 десятина ерга пахта (сугорма дехқончилик худудларида-Ш.Х.) ёхуд бугдой (лалмикор худудларда-Ж.Х.) экин мажбуриятини юклаб, ерларининг колган қисмига 8 турдаги озиқ-овқат берадиган сабзавот ва полиз экинлари экинш кўрсатмасини берганди [2]. Рус дехқонлари бу мажбуриятни ҳамма вакт ҳам бажармасди. Бирок, улар келиши билан дехқончилик маданиятига янги, нисбатан замонавий техник воситаларни кўллаш ҳам жорий этилди. "Қирғизлар ерга омоч (ёғоч) плуг билан ишлов берадилар. Ер бор-йўғи 1.2 вершик чукурликда ҳайдалади, бу етарли эмас, рус посёлкалари билан кирғиз овуллари ёнма-ён. Руслар

икки гилдиракли темирдан ясалган, отга кўшиладиган "Рус плуги" билан ерни хайдайдилар. Плуг ерни 4-5 вершик чукурликда шудгор килади. Бундан ташкари улар ўт-ўланни "сенокосилка" билан ўриб, чолги ўрок ва отга кўшилган мосламалардан фойдаланиб ҳашакни тўплайдилар. Рус дехқонлари учун маҳаллий дехқончилик маданиятини эгаллашларига кўп пайт керак бўлади. Улар сарт (ўзбек-Ж.Х.), ва кирғиз дехқонлари билан ёнма-ён яшаб, янги техникини жорий этсалар, 1 десятина ердан 200 пудгача ҳосил олиш мумкин"-деб, маълумот берилади, "Туркистан тўплами"да [2].

Минг йиллар дехқонларга хизмат килган "ёғоч омоч" ўрнига русларнинг икки гилдиракли, отга кўшиладиган "темир плуги"ни жорий этиш, чолги ўроклар билан ўт-ўлан ўришга ўтиш осон кечмади. Биринчидан, бундай меҳнат куроллари бозорга кам кириб, тезда сотилиб кетарди. Иккинчидан, дехқонларининг моддий кудрати уларни сотиб олишга ҳамма вакт ҳам етавермасди. Савдогарлар рус плугини XIX аср охирида 16 рублдан кўтаришига сотиб олиб, уларни 40 рублдан 50 рублгача бозорда пуллашган. Давлат ҳазинаси орқали дехқонларга бундай плуглар 24 рубль 50 коп.га сотилган [13].

Рус посёлкаларида дехқончиликда кўлланилган плуг, сеялка, борона кабилар дастлаб маҳаллий, ўзига тўк дехқон хўжаликларига кириб келди. Донбасс плуглари билан бирга хўжаликларда Эккер, Сакко(Германия, Берлин-Ж.Х.) плуглари Туркистанга келтирилганди. Манбаларда: "Донбасс плугларини кўплиб ишлаб чиқариш оркали Эккер плугларини сикиб чиқариш зарурлиги, Туркистонда Бирменгем (Англия) кетмонлари бор, нега Туланини йўқ?" деган фикрлар илгари суринганидан вокази бўлинади [12].

XIX аср охири-XX аср бошларида донли экинлардан кай микдорда ҳосил олинганилиги, дехқончилик техникасидаги ўзгаришлар билан ҳам узвий боғлиқ. Буғдой экинидан олинган ҳосилдорлик Туркистан минтақаси билан Россия империясининг коратупрок ва нокоратупрок зоналарида етиштирилган буғдой билан қиёсий тақкосланган.

1908 йил маълумоти бўйича қўйидаги жадвал кўрсаткичларни ёркинлаштиради [1].

\* Хайитов Ж.Ш. – БуҳДУ ўқитувчиси.

№	Минтақа номи	Уезд ва губерния	Үртача ҳосил микдори (1 десятина хисобида)
1.	Туркестон	1.Наманган уезди 2.Маргилон 3.Пишпек 4.Верний 5.Хўжанд 6.Марв	80 пуд 70 пуд 45 пуд 120 дан 180 пудгача 80 пуд 76 пуд
2.	Россия а) коратупрок б) иккоратупрок	1.Полтава губернияси 2.Харьков 3.Черниговский 1.Лифляндия губернияси 2.Курляндия 3.Эстланди	34-37 пуд 53-59 пуд 37 пуд 75-83 пуд 72-80 пуд 93-90 пуд

Юкорида кайд этилган йилда Туркестон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилоятида 2.600.000 пуд донли экинлар етиштирилиб, бу ўртacha даражада бўлиб, Фарғона, Сирдарё, Каспийорти, Самарқанд вилоятларида 1908 йилда донли экинларга қараганда олма, нок (нокнинг 115 нави бор эди-Ж.Х.) кароли, абристдан юкори ҳосил олинган [1].

Донли экинларнинг ҳосилдорлиги йиллик обҳаво кулай ва нокулай келишига караб уч даражада белгиланган, яъни паст, ўрта ва юкори, шунингдек, сугорма дехкончилик ер майдонларида, коклама дехкончилик ("сухое земледелие"-Ж.Х.) ва лалмикор ҳудудларда етиштириладиган буғдой ҳосилдорлиги юкори ва пастлиги билан бири-биридан фарқ килган. Бахор серёғин, обҳаво кулай келиб, ҳосил касалликларга чалинмаса, лалмикор ерлардан юкори даржада ҳосил олинган.

Туркестонда донли экинлар етиштириша ҳосилдорликни кўтариш, агротехника қоидалари асосида, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда фаолият юритиш максадларини кўзлаб "маҳаллий ва давлат дехкончилик мулклари" идораси томонидан "кишлок ҳўжалик мактаблари", "гидротехниклар мактаби", "дехкончиликни бошқарув мактаби", "богбонлар мактаби" кабилар ташкил этилган. Ушбу мактабларда таҳсил олаётганлар минтақадаги обҳаво ўзгаришлари, тупроқ таркиби, янги мева ва ўсимликларни иклимлаштириш тажрибаси, янги навларни чатиштириш, пайвандлаш оркали кўпайтириш кабиларни ўрганганилар.

Манбаларда ушбу мактабларга эътибор каратиш зарурлиги алоҳида таъкидланади. "Айrim дехкончилик мактаблари талабга жавоб бермайди. Пишпек (Еттисув вилояти-Ж.Х.) дехкончилик мактаби Тошкентдан 500 чакирим узокликда жойлашган. Копаль мактаби эса 1300 чакирим узок масофада. Еттисув мактабларига ҳукумат аъзолари,

агрономларни қатнаши (бориб-келиши) мураккабликлар туғдиради. Ўқув даргоҳлари устидан назорат килиш, канцелярия ишлари, расмий хужжатлар юритиш кўп вакт олмокда. Еттисув вилоятларидаги "кишлок ҳўжалик мактаблари"га бир бор агроном А.И.Шахназаров, 2 марта С.В.Понятовскийлар бордилар. Маълумотлар шуни кўрсатадики, ўкув бинолари таъмиранмаган, улар ярим ҳароба ҳолда ёхуд уларни таъмиранлаш керак, ёхуд янги биноларни улар ихтиёрига бериш зарур. Княз В.И.Масальский бу каби мактабларни текшириб, уларни саклаб қолиш зарур деган қарорга келди"-деб ёзганди "Туркестон тўплами", 1908 йилда [19].

Бошкот экинлар ҳосилдорлиги билан боғлик жихатлар ўрганилар экан, А.Шахназаров буғдой экилган 1 таноб ердан 20 пуд (яхши), 15 пуд (ўрта), 10 пуд (паст) ҳосил олинади. Лалмикор ерларни 1 десятинасидан кам ҳолларда 60 пуд, ўртacha 45-50 пуд ҳосил олинади"-деб ёзди [18].

Буғдойнинг "Қизил буғдой", "Оқ буғдой", "Саримагиз" ва янги навларининг ҳосилдорлиги доимо бир хил бўлмай, лалмикор ерларда "Турбат" навидан 1 десятина ердан ўртacha-25 пуд, "Чимкент" навидан-20 пуд, "Саримагиз" навидан-33 пуд, "Нарин қизил" навидан-39 пуд микдорида ҳосил олинган[12]. 1906-1907-йилларда Туркестон генерал-губернаторлигининг Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида буғдой ҳосилдорлиги турлича бўлган. 1907 йилда лалмикор ерларнинг 301.130 десятина майдонига буғдой экилиб, 1 десятина ердан 16 пуддан 80 пудгача буғдой ҳосили олинган, ўртacha ҳосилдорлик 40 пудни ташкил этган [15].

1906 йил маълумотича, юкорида кайд этилган уч вилоят бўйича аҳоли сони, йигиштирилган буғдой ва унинг аҳоли жон бошига таксимоти куйидаги жадвалда акс эттирилди [15].

т/р	Вилоят номи	Аҳоли сони	Йигилган буғдой кг.хисобида	Аҳоли жон бошига
1.	Сирдарё вилояти	1.667.468	29.201.520	15,9 кг.
2.	Самарқанд вилояти	1.039.000	11.175.000	11,00 кг.
3.	Фарғона вилояти	1.800.000	24.000.000	13,3 кг.

	Жаъми:	4.506.468	64.376.520	14,3 кг.
--	--------	-----------	------------	----------

Хосил яхши бўлган йилларда бошокли янги экин навларидан рус посёлкаларида дехконлар 100-120 пудгача хосил олганлар. Шунингдек, маккажӯҳори ҳосилдорлиги 100-120 пудгача кўтарилган [18]. XX аср бошларида Тошкент уездидаги 1 десятина ердан юкори 100-120 пуд, ўртacha 50-60 пуд, кўни-30-40 пуд бугдой хосили олинган. Яхши ўғнланиб унумдорлиги юкори бўлган ердан 1- йил -120 пуд, 2- йил-90 пуд, 3- йил-60 пуд. 4-йил-40 пуд хосил олинган.

Тажриба синов участкасида сугориладиган ерлардан 6 йил давомида бир десятинадан ўртacha 81 пуд 10 ф., сугорилмайдиган ер майдонидан 65 пуд, Чимкентда бугдой экиладиган ерлардан ўртacha ҳар йили 60 пуд бугдой хосили олинган [20]. "Туркистон кишлоп ҳўжалиги жамияти"нинг "Қоклама дехкончилик" ("Сухое земледелие"-Ж.Х.) бўлими, ҳар йили баҳорда ва кузда экиладиган бугдой навларини саралаб берган. Айникса, лалмикор дехкончилик учун саралангандиган бугдой уруғи жавдар (рож, кора бугдой-Ж.Х.)нинг ҳосилдорлиги баланд бўлган. Масалан 1907 ва 1908 йилларда сугориладиган ва сугорилмайдиган ерлардан юкори хосил олиниб, 1909 йил эса бугдой эккан дехконлар учун омадсиз келди [9,4]. Ҳосилдорликни ошириш учун бугдой экилган майдонларга гўнг эмас, селитра ва суперфосфат солиши аҳамиятли бўлиб, гуруч етиштиришда киш ва баҳор фаслларида 1 десятина ерга 2000-4000 пуд (60-120 ароба-Ж.Х.) гўнг солиши орқали юкори натижага эришилган [9; 11.4; 5].

Бошокли экинлардан 1 десятинадан арпа ҳосилдорлиги ўртacha 45-60 пудни, гуруч (шоли)ники юкори хосил йигиширилган даврда - 160 пудгача, ўртacha 60-80 пудни, зигир (лен) ва кунжутники 1 танобдан 12-15 пудни ташкил этган [3,18]. Туркистонда пахта ёғи кенг истеъмолга киргунга қадар кунжут ёғи тарқалган бўлиб, унинг янги, "Индок" навининг 1 танобидан 8-10 пуд хосил олинган. Жавдар экини рус посёлка ва кишлопларида кенг тарқалган бўлиб, 1907 йилда Черняев посёлкаси дехконлари 1 десятинадан 150 пудгача, 1908 йилда ўртacha 60 пудгача хосил олганлар [20]. 1908 йил дошли экинлардан об-хаво қулай келиб, юкори хосил олиниди. Тошкент уездидаги 1 десятина ердан 150 пудгача, ўртacha 70-80 пуд бугдой олиниди, Анжар, Булат, Антиновка каби волостларда, Ангрен ва Чирчик туманларида ҳосилдорлик баланд бўлиб, ҳатто, 1 десятина гуруч майдонидан 250-300 пудгача хосил олинган. Полтава тажриба станциясида яратилган "Харьков", "Туркия кизил" навлари экилган майдонлардан ҳосилдорлик 1 десятина хисобида 120-150-пудгача етди. [16,17]. 1908 йилда арпа ва сулининг 1 десятина ердаги ҳосилдорлиги ўртacha 60-70 пудни, маккажӯҳори ҳам тахминан шу даражани ташкил этди. Бирор, пахта ҳосилдорлиги ўртачадан ҳам паст бўлиб, 1 десятина ердан ўртacha 25-30 пуддан ошмади. Бу эса бир катор омиллар билан боғлик бўлиб:

- а) пахта уруғи ёғингарчилик туфайли ерга кеч кадалди,
- б) пахтакор дехконларга ўз вактида кредит (ссуда) берилмади,
- в) гармсель (иссик шамол-Ж.Х.) хосилни катта кисмини йўқотди,
- г) 1908 йил 27 сентябрда кучли ёмғир (жала) ёғиб, об-хаво кескин совиб, ер музлади. Ўша йили пахта толасининг 1 ботмони (11 пуд-Ж.Х.) 30-31 рублга баҳоланди [17].

Минтақада бошокли экинларнинг нархнавоси мукобил бўлмай, йиллар давомида ўзгариб турган. Ички ва ташкин бозорда бугдой нархи кўп жиҳатдан ҳосилдорлик даражаси билан боғлик бўлган. 1884 йилда лалмикор ерларда етиштирилган бугдойнинг нархи 1 ботмон ўлчовида (ботмон 8, 10, 11 пуд каби турли ракамларда ифодаланиб, XIX аср охирида 8 пудни ташкил этган-Ж.Х.) 9; 10,12 танга (танга рус пулида 12 коп.-Ж.Х.); сугорилган ерлардан олинган бугдой нархи 8-10 танга; 1885 йилда-15 танга, 1886 йилда-17 танга, Бухоро амирлиги худудида-30 танга, 1887 йил баҳорида 38 тангагача кўтарилган. 1887 йилда нарх-наво бироз пасайиб, 1 ботмон бугдой нархи 25 танга, Жиззах бозорида 19-20 танга баҳоланган [12]. Бугдойни ун килиб сотиш учун Тошкент, Фарғона ва Самаркандда йирик тегирмонлар бўлиб, Самарканддаги З та катта тегирмон бир суткада 2000 пудгача бугдойдан ун тортиш кувватига эга бўлган. Туркистон бугдойни Каспийорти вилояти орқали Кавказ ва Россиянинг Европаси кисмидаги очарчилик даврида 600 минг пуд бугдойнинг хар бир пуди 70 коп.дан сотилди. 1894 йилда Кавказда бугдойдан юкори хосил олиниб, бир кисми Туркистонга экспорт килиниди. 1907 йилда Туркистондан Россия марказига хар бир пуди 85-90 коп.дан катта микдорда бугдой юборилган[15;12;31]. XX аср бошларида Кавказ ва Туркистон тегирмончилари ракобатта киришиб, Самарканддаги тегирмон эгалари хар бир тегирмоннинг бир суткада бугдойдан ун тортиш кувватини 4000 пудгача етказдилар. Ун ҳолатида сотилган бугдой маҳсулотининг бир ботмони бозорда 38-40 тангада сотиларди [12;15].

XIX аср охири-XX аср бошларида Фарғона вилоятининг Марғилон уездидаги 1 пуд бугдой- 63 коп.дан 80 копгача, арпа 63 коп., жўхори-64 коп, гуруч-40 коп, зигир-50 коп. жавдар-57 коп; кунжут-85 коп; мош-20 коп баҳоланган. Пахта нархи бир қадар баланд бўлиб, 99 коп. эди. 1 таноб ердан ҳосилдорлик 8-12 пудни, зигир, кунжут, жавдар, мошдан эса ўртacha 4 пудни ташкил этган [16].

Гармсель, ҳашорат босиши, курғоқчилик, экинларга касаллик тегиши кабилар оқибатида олинган дон маҳсулотларининг микдори камайиб қолгани оқибатида 1 ботмон бугдой нархи 20-25 коп.гача кўтарилган. Ноң новвойхоналардан бозоргача етиб бормай, йўлдаёт сотиб юборилган. Маклерлар бозордан ҳайдалган, бугдойни кўтарасига сотиб олган савдогарлар кишида уни

юкори нархларда сотгандар. Бундай шароитда 1 ботмон бүгдой нархи 2 рублгача ошган[14].

Туркистанда донли экинлардан олинган хосилнинг бир кисми Оренбург оркали Россияяга, Каспий орти оркали Кавказга чиқарилган.

Шолининг 1 пуди 40-45 коп. бўлган, 1 пуд шолини курмакдан тозалаш 8-10 коп.га тушган. 1 пуд тозаланган шоли бозорда 70 коп.дан 1 рублгача баҳоланган. XX аср бошларида минтақада ҳар йили ўртacha 8 млн. пуд шоли етиширилиб, шолини курмакдан тозалашда Англиядан келтирилган, ҳар бири 60.000 рубль баҳоланадиган, танаффусиз ишлайдиган, бир суткада 600-1000 пуд шолини тозалайдиган машиналардан фойдаланилган. Россия империяси Европа кисмига катта микдорда шоли экспорт килиниб, 1893 йилда Самарқанд темир йўл вокзалидан 400.000 пуд, Хива ҳонлигидан 250.000 пуд, Бухородан ҳам тахминан 250.000 пуд шоли юборилганди[3]. Шолининг меҳнати оғир бўлиб, 1 десятинали майдонда шоли етишириш учун 60 рубль атрофида харажат килиниб, 1 пуд шоли-50 коп. баҳоланиши дехкон эҳтиёжларини кондирмасди[3]. Голодная степь (Дашт чўл) темир йўл стансиясида 1910 йил 13 декабрь куни 1 пуд бүгдой-65-70 коп.; арпа -70-75 коп., сули -42-43 коп.; мөш-95 коп.; кунижут-22 рубль 30 коп., шоли 55 коп., беданинг 100 та боғлами-5 руб. баҳоланган[6].

Бухоро амирлигининг Шаркий Бухоро (хозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон Республикаси-Ж.Х.) худудидаги Дарвоз (1,5 млн.пуд); Кўлоб (4 млн пуд); Болжувон (5 млн.пуд); Коратегин (4 млн пуд) бекликларида ҳар йили жъами ўртacha 5 млн. пуд бүгдой етиширилиб, шундан 1,5 млн пуди бозорда сотилди. Шаркий Бухоро бүгдойи Ҳисор оркали Қарши ва Бухоро бозорларига, Саройдаги пристандан қайнуларда Термиз ва Каркига сотиш учун олиб кетилган. Бүгдой нархи гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турган. XX аср бошларида куз фаслида Кўлоб ва

Болжувонда 1 ботмон (10 пуд-Ж.Х.) бүгдой нархи-35 тангадан 45 тангагача, 1 ботмон арпа нархи 25 тангадан 40 тониагача (рус пулида 3 руб. 75 коп.дан 6 рублгача-Ж.Х.) баҳоланган. 1905 йилдан бошлаб сарой пристани (Файзиобод пости яқинида-Ж.Х.) оркали қайнуларда катта микдорда бүгдой Термизга жўнатилиб, 1 пуд бүгдой 20 коп. тўлаш шарти билан тегиши манзилга етказилган[13]. Шаркий Бухорода бүгдойни ун киладиган тегирмонлар Кўлоб, Саричашма, Саройда бўлиб, бүгдой заҳиралари ердан казилган маҳсус ямаларда сакланарди, мавжуд заҳира бир йилдан кейин бозорга чиқарилган, агар шундай йўл тутилмаса, узоқ сакланган бүгдойдан лой ва тупрок ҳиди келард-деб ёзди, Д.Н.Логофет [13]. Туркистанда маҳаллий ва кўчирилган дехконлар томонидан етиширилган донли экинларнинг маҳсулотлари асосан минтақада ахолиси эҳтиёжларини коплашга кетарди. Масалан Шаркий Бухорода етиширилган 14,5 млн.пуд бүгдойнинг атиги 1,5 млн пуди ички ва ташки бозорга чиқарилган. Бир кисм бүгдой амирлик ҳазинасига (800 түя-Ж.Х.). солик сифатида юборилса, бир кисмини бек ва амалдорлар тўплаб, маҳаллий бозорда сотиб, ўз даромадларини кўпайтирган[13].

Хуллас, XIX аср охирига қадар Туркистан ахолисини дехкончилик маданиятида бошокли экинлар экиш умумий ер фондларининг 3/1 кисмими ташкил этиб, об-хаво нокуляй келиб, хосилсизлик сурункали тақрорланган йилларда дехқонлар XX аср дастлабки ўн йиллигига ҳам ўз ерларининг асосий кисмига бүгдой, жавдар (кора бүгдой), арпа, сули, шоли каби экинларни экишга мажбур бўлганлар. Ўлкада донли экинларнинг хосилдорлиги, нархнавоси баркарор бўлмай ўзгариб турган. Ички ва ташки бозорда Туркистанда етиширилган бошокли (донли) экинларга талаб катта бўлган. Бошокли (донли) экинлар янги навларининг ўлкада иклимлаштирилиши ахоли хўжалик хаётida муҳим роль ўйнади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Библиография (1908 год в сельскохозяйственном отношении). // Туркестанский сборник. -Том 491. -С. 73-74.
2. Валерикан Правдив. Роль русской колонизации.// Туркестанский сборник. -Том. 436. - С. 129-130.
3. Возделывание риса в Туркестанском крае. // Туркестанский сборник. -Том. 433. - С. 4-9.
4. В сухом земледелии. // Туркестанский сборник.-Том 536. - С. 113-124.
5. Как следует удобрять различная растения. // Туркестанский сборник. -Том 564. - С.189-191.
6. Корреспонденции (Ст.Голодная степь Средне Азиатской жел.дороги). // Туркестанский сборник.-Том 501. - С.175-176.
7. Кондрашов С. Пшеница или хлопок. // Туркестанский сборник.-Том 501. - С.164-167.
8. К вопросу о колонизации Туркестанского края. // Туркестанский сборник. -Том 445. - С. 98-100 .
9. Кузиколов И.К. XIX аср охири XX аср бошларида Фаргона водийси ахолисининг миллий таомлари таркибида ўзгаришлар ҳакида./ "Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда" мавзуидаги IV Республика илмий-назарий конференция материаллари. Фаргона-2017. - Б. 94-97.
10. Ланский А. К статье богарное хлебопашество ( в ноябрьской книжке Туркестанского сельского хозяйства).// Туркестанский сборник. -Том 500. - С. 30-32.
11. Хлопчатник. // Туркестанский сборник.-Том 441. - С. 3-5.
12. Логофет Д.Н. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары.//Туркестанский сборник. -Том 417. -С. 105-107.
13. О хлебном вопросе. // Туркестанский сборник.-Том 437. - С. 137-139
14. О производстве хлебов в Туркестан. // Туркестанский сборник.-Том 500. - С. 84-86.
15. Розов А. На пути. // Туркестанский сборник.-Том 451. - С. 36-43.